


ЦЕНА *қосыл*

12000

ТАДБИРКОТЛИК ХУҚУҚИ

(Махсус қисм)



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ
ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ
УНИВЕРСИТЕТИ

ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ

(Махсус қисм)

Дарслик

*Олий хўжалик суди ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгаши
ҳамда Ўзбекистон Миллий университетининг «Хўжалик
ҳуқуқи» кафедраси мажлисида муҳокама этилиб,
нашрга тавсия қилинган*



ТОШКЕНТ — 2002

Масъул муҳаррир: юридик фанлари доктори, профессор **Ш. РЎЗИНАЗАРОВ.**

Ш. Рўзиназаров, ю.ф.д., профессор. Кириш, I боб, II боб
А. Мадраҳимов билан ҳаммуаллифликда, XIII боб. 3- §, 5- §.

А. Саидов, ю.ф.д., профессор III боб.

К. Рашидов, ю.ф.н., доцент IV боб, VIII боб 1—7- §.

Д. Раҳимов, ю.ф.н., V боб, IX боб.

А. Тўраев, ю.ф.н., VI боб, VIII боб 8- §.

У. Уватов. VII боб.

Б. Тошев, ю.ф.н., X боб.

У. Арифжанов, ю.ф.н. XI боб.

У. Умаров, ю.ф.н. XII боб.

П. Казиев, «Ўзагросуғурта» компанияси раиси XIII боб. 1- §, 2- §, 4- §, 5- §.

И. Маманов, ю.ф.н. XVI боб.

М. Рустамбоев, ю.ф.д., профессор XV боб. **Ф.Тоҳиров**, ю.ф.н., доцент билан ҳаммуаллифликда.

М. Абдусаломов, Олий Хўжалик суди раиси XVI боб.

Нашр учун масъул: **Д. АҲМЕДОВ.**

Тақризчи: юридик фанлари доктори, профессор

Б. Ибратов.

К И Р И Ш

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар тадбиркорликнинг ҳуқуқий асосларини мукаммал ўрганишни ва амалиётга татбиқ этишнинг самарадорлигини оширишни тақозо этади. Ижтимоий ҳаётнинг ўзи ҳам биринчи галда тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнеснинг жадал ривожланиши учун зарур бўлган барча шарт-шароит ва кафолатларни яратишни зарурият қилиб қўймоқда.

Президентимиз **И. А. Каримов** таъкидлаганидек, *«Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик мамлакатнинг нафақат ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда асосий бўғин, балки аҳоли бандлиги ва даромадлари манбаининг, миллий фаровонликка эришишнинг муҳим омили ҳам бўлиши даркор»*¹.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун тегишли меъёрий ҳуқуқий асослар яратилган. Шу билан биргаликда, қонун ҳужжатларини амалиётда қўллаш тажрибаси шуни кўрсатяптики, уларни ҳаёт талаби асосида такомиллаштиришни ҳамда уни татбиқ этишнинг самарадорлигини ошириш зарурияти пайдо бўлмоқда.

Айниқса, тадбиркорлик ҳуқуқи бозор шароитида муҳим ҳуқуқий институт сифатида кенг доирадаги масалаларни қамраб олганлиги сабабли, бу борадаги билимлардан хабардор бўлиш мақсадида турли хил дарслик, қўлланма, тўпламларга эҳтиёж борлигини ҳаёт кўрсатмоқда. Тадбиркорларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш энг муҳим вазифалардан бирига айланмоқда. Тадбиркорлик ҳуқуқи асосларини олий, ўрта ва махсус ўқув юртларида ўқитишни яхши йўлга қўйилишининг талаб этилаётганлиги ўз навбатида бундай дарсликларни нашр қилиш зарурияти мавжудлигини кўрсатмоқда.

Президентимиз **И. А. Каримов** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Иккинчи чақирىқ олтинчи сессиясидаги маърузасида таъкидлагандек, *«Малакали ҳуқуқшуносларни тарбиялаш ҳамон эскича олиб борилмоқда, ўқитиш дастурларининг сифати, айниқса, ҳуқуқнинг янги устивор йўналишлари бўйича замонавий талабларга жавоб бермайди»*².

¹ **И. А. Каримов.** Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш — тараққиёт гарови // Халқ сўзи. 2001 йил. 18 июль.

² **И. А. Каримов.** Адолат — қонун устиворлигида // Халқ сўзи. 2001 йил. 30 август.

Тадбиркорлик ҳуқуқи бозор муносабатларининг қарор топиши билан узвий боғлиқ бўлиб, *динамик ривожланиб бораётган ҳуқуқ тармоғи* бўлиб ҳисобланади. Бу ҳуқуқ соҳаси тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатларнинг таркиб топиши ва ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Тадбиркорлик ҳуқуқи соҳаси ҳуқуқ тизимида янги йўналиш бўлганлиги сабабли, илмий, ўқув-услубий нуқтан назардан янада ҳар томонлама ўрганишни зарурият қилиб қўймоқда. Ўз навбатида, тадбиркорлик ҳуқуқи бошқа турдош ҳуқуқ соҳалари билан узвий боғлиқ ҳолда ва бир-биридан фарқли хусусиятлари таҳлил этилган ҳолда ривожлантирилмоғи лозим.

Тадбиркорлик ҳуқуқининг ушбу махсус қисмида кишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш, қурилиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятининг қоидалари, чет эл инвестиция фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш шакллари ва асослари, алоқа, энергетика, транспорт, саноат соҳасида тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий тартибга солиниши, биржа фаолияти билан боғлиқ тадбиркорликнинг ҳуқуқий қоидалари, тадбиркорлик субъектларининг божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш қоидалари, тадбиркорликда ташқи иқтисодий алоқаларнинг ҳуқуқий қоидалари, тадбиркорлик соҳасида аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари, тадбиркорлик соҳасида реклама ҳуқуқининг асослари, тадбиркорлик фаолиятини ахборот билан таъминлашнинг ҳуқуқий асослари, тадбиркорлик фаолиятини кредитлашнинг ҳуқуқий тартиби, тадбиркорлик соҳасида сугуртанинг ҳуқуқий қоидалари, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда бухгалтерия ҳисобининг ҳуқуқий асослари, тадбиркорлик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик, тадбиркорлик соҳасида жиноий жавобгарлик, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш каби масалалар ёритиб берилган. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ вазифаларни чуқур англаш, амалиётдаги муаммоларни тўғри ҳал қилиш, бунинг учун эса зарур ҳуқуқий воситалардан унумли фойдаланиш, бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий қоидаларини тушуниб олиш учун олий ўқув юртлари, хусусан, юридик ўқув юртларининг талабалари юқори билим ва қобилиятга эга бўлишлари лозим.

Мазкур дарслик тузилишига кўра ва айрим масалаларни баён қилиш услуби жиҳатидан муайян камчиликлардан холи эмас. Шу сабабли, муаллифлар жамоаси дарсликда баён этилган масалалар юзасидан мутахассислар ва кўп сонли ўқувчиларнинг таклиф ва истакларини мамнуният билан қабул қилади ва унинг қайта нашрларини тайёрлашда эътиборга олади, деб ишонч билдиради.